

№ S/2 (3) - 2023

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL**

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

№ S/2 (3)-2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

Специальный выпуск

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES
Special Issue

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойкулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Хошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайтов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа оқтори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоэвна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент аҳборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниневна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлифи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азamat Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Марҳабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насридин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон журнали
1368-сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-үй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 - ТАРИХ ФАНЛАРИ

Рахманова Мавлуда Эркин қизи

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССРГА ХАЛҚАРНИ МАЖБУРИЙ КЎЧИРИШ
СИЁСАТИ ТАРИХШУНОСЛИГИ 9-16

Икромжонов Акмалжон Махмуджонович

ФАХРУДДИН ЎЭЖАНДИЙ ЯШАГАН ДАВРДА МОВАРОУННАҲР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
ВАЗИЯТ ВА ИЛМ ФАН РИВОЖИ 17-25

Холдоров Зоҳиджон Валижон ўғли

ТУРКИСТОН ЛЕГИОННИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ТАРИХИДАН 26-34

Хамирова Дилфуза Улуғбек қизи

НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ИЖОДКОРЛАР НИГОХИДА 34-41

Nag'ashboyev Qazbek Bozorboy uli

SULTON RAXMONOV – SAYYORANING ENG KUCHLI ODAMI 42-49

Махмудов Махмуд Авазович

ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ШАРОИТИДА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ИЖТИМОЙ
ТАБАҚАЛАШУВИ 50-58

Mamatov Bektosh Tolibjon o`g`li

YALANGTO`SH BAHODIR VA ASHTARXONIY HUKMDORLAR 59-66

08.00.00 - ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Muminova Elnoraxon Abdulkarimovna

“YASHIL” IQTISODIYOTGA O’TISHNING XORIJY TAJRIBALARI 66-75

Файзуллоев Мирсаид Шухратович

СОЛИҚ НАЗОРАТИ ТИЗИМИДА КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ
АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ 76-85

Кахарова Нилюфар Эркинжоновна

OKR МЕТОДОЛОГИЯСИ ХАҶИДА ТУШУНЧА, МАҶСАДИ, АФЗАЛЛИГИ, ЖАРАЁНДАН
КУТИЛАДИГАН НАТИЖАЛАР 86-91

Насруллоев Ҳаётжон Хабибуллоевич

СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ СОЛИҚ БАЗАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ 92-99

Raxmonov Mirvoxid Rajabovich

HUDUDNING INVESTISION JOZIBADORLIGI OMILLARINI
EKONOMETRIK MODELLASHTIRISH 100-107

Насруллоев Ҳикматулло Хабибуллоевич

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ УЧУН ЗАМОНАВИЙ РАҶАМЛИ
ЕЧИМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ 108-115

Тоштемиров Шоҳруҳ Тошпўлатович

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ КАПИТАЛ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА
ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ 116-120

| | |
|---|---------|
| Насимов Равшанжон Азимович | |
| МАМЛАКАТИМИЗДА СОЛИҚ ЮКИНИНГ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ | 121-130 |
| Nabieva Nilufar Muratovna | |
| MARKETING AUDIT AND ITS IMPACT ON IMPROVING THE COMPETITIVENESS OF THE COMPANY..... | 131-139 |
| Отамуродов Нуриддин Нажмиддинович | |
| КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ COVID-19 ИНҚИРОЗ ДАВРИДА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ | 140-148 |
| Hoshimov Jahongir Ravshanbek o'g'li | |
| TO'G'RIDAN – TO'G'RI XORIJIY INVESTITISIYALARNI JALB QILISHDA MAMLAKAT XATARLARINI KAMAYTIRISH..... | 149-155 |
| Yusupov Farruxbek Farxodovich | |
| O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASIDA SOLIQ MA'MURCHILIGIDA SOLIQ TO'LOVCHILARGA XİZMAT KO'RSATISHNI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI..... | 156-162 |
| Kunduzova Kumrixon Ibragimovna | |
| KİCHIK BİZNES KORXONALARIDA MOLİYAVİY REJALASHTIRISH VA BYUDJETLASHTIRISHNING XUSUSİYATLARI | 163-172 |
| Зиёдинова Нилуфар Зариф қизи | |
| ИНВЕСТИЦИОН ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИНГ ЎРНИ | 173-179 |
| Насимджанов Юнусжон Зоҳидович | |
| МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ЕР СОЛИГИ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ | 180-187 |
| 09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ | |
| Ҳакимов Акмалжон Мирзаганиевич | |
| ЦИВИЛИЗАЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ГНОСЕОЛОГИК МОҲИЯТИ | 188-192 |
| Холмирзаев Нодиржон Низомжонович | |
| УРБАНИЗАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ | 193-198 |
| Boboqulov Abror Abdig'ani o'g'li | |
| "OPEN ARTIFICIAL INTELLIGENCE GPT" TIL MODELINING FALSAFIY TAHLILI | 199-204 |
| Ялгашев Бунёд Махмудович | |
| САМАРҚАНД ВОҲАСИ ЭТНИК ГУРУХЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА УЛАРНИГ ЯШАШ ТАРЗИ | 205-213 |
| Safarov Maqsudali | |
| ABU BAKR AR-ROZIYNING "TIBBI RUHONIY" (RUH TIBBIYOTI) ASARIDA G'AZABNI VA INSONNING O'Z KAMCHILLIKLARINI BARTARAF QILISH HAQIDA MULOHAZALAR | 214-219 |
| Сохибова Лола Жонибоевна | |
| ШАХС МАДАНИЙ САВИЯСИ – МАДАНИЙ РИВОЖЛАНГАНЛИК ИФОДАСИ | 220-224 |

| | |
|---|---------|
| Адашова Махсума Махмудбоевна | |
| ИМОМ АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ ВА МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ – ДУНЁ ОЛИМЛАРИ НИГОХИДА..... | 225-231 |
| Mukhammediyarova Akhmaral | |
| PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE CONCEPT OF NOOSPHERIC DEVELOPMENT IN THE ECOLOGICAL AND GLOBAL SECURITY SYSTEM | 232-239 |
| 10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ | |
| Tilovov Ozod, Isoqulova Gulxon | |
| FRAZEOLGIK BIRLIKLARDA SONLARNING QO'LLANILISHI VA ULARNING RAMZIY MA'NOLARI..... | 240-245 |
| Surmilova Elena | |
| GENDER STUDIES IN LINGUISTICS AND THEIR APPLICATION IN ENGLISH LANGUAGE TEACHING | 246-252 |
| Олимова Диляфрузхон Бахтиёржон қизи | |
| ТИЛШУНОСЛИКДА БАҲО КАТЕГОРИЯСИ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ | 253-257 |
| Djurayev Dilshod Mamadiyarovich, Radjabova Madinabonu Raimovna | |
| XITOY TILI GRAMMATIKASIDAGI “NATIJA TO'LIQLOVCHISI (结果补语)..... | 258-262 |
| Azzamov Yusufjon Radjaboy o'g'li, Jo'rayeva Xayriniso Shavkat qizi | |
| EKOJURNALISTIKANING QO'LLANILISH KATEGORIYALARI | 263-268 |
| Fillipova Olga Igorevna | |
| CONVERGENCE OF STYLISTIC DEVICES AS A CATEGORY OF REDUNDANCY..... | 269-278 |
| Ismoilova Dilorom Rustamjon kizi | |
| LEXICAL UNITS OF THE SEMANTIC FIELD “MURDER”..... | 279-285 |
| 12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР | |
| Ильясов Баходир Ильясович | |
| ELEKTRON DAVLAT XIZMATLARINI KO'RSATISHNING TASHKILIY-HUQUQIY MEXANIZMI VA UNING RIVOJLANISH YO'LLARI | 286-293 |
| Чориева Хуршидабону Хуррам қизи | |
| ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ИШТИРОКИ | 294-299 |
| Хаётов Анвар Хусанович | |
| ХАЛҚАРО ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАСИННИНГ МУХТОР МАҚОМИ ВА ТУРЛИ ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ | 300-307 |
| 13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ | |
| Журабекова Хабиба Мадаминовна | |
| РЕЧЕВАЯ АКТИВНОСТЬ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ | 308-315 |

Tursunova Aziza Xoshimovna

WEB TEKNOLOGIYALAR ASOSIDA BILIMNI NAZORAT QILUVCHI DIDAKTIK VOSITALAR
YARATISH USULLARI 316-321

Oblanazarov Faxriddin Asadovich

FUTBOLCHILARNI TAYYORLASHDA TA'LIM VA MASHG'ULOTNING ASOSIY QONUN-
QOIDALARINI AMALGA OSHIRISH 322-329

Isroilova Dildora Muxtarovna, Solijonova Dildora Ulugbekovna

IJTIMOIY-SIYOSIY MATNLAR TARJIMASINI O'QITISHDA LINGVOMADANIY OMILLARNING
O'RNI 330-335

Satvoldiyev Faxriddin Akbarali o'g'li

MAKTAB O'QUVCHILARI HUQUQIY TA'LIM – TARBIYASINI SHAKLLANTIRISH BORASIDA
OLIB BORILGAN TAJRIBA SINOV ISHLARI NATIJALARINING PEDAGOGIK TAHLILI 336-342

Jurayev Bobomurod Tojiyevich

SHARQDA PEDAGOGIK FAOLIYATNING MAYDONGA KELISHI VA RIVOJLANISHI 343-350

07.00.00 – Тарих фанлари

Махмудов Махмуд Авазович
Андижон давлат тиббиёт институти
Ижтимоий гуманитар фанлар
кафедраси катта ўқитувчиси

ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ШАРОИТИДА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ТАБАҚАЛАШУВИ

Аннотация. Ушбу мақолада 1921-1929 йилларда Ўзбекистонда янги иқтисодий сиёсат шароитида деҳқон хўжаликларини ижтимоий табақалашуви, шунингдек ўзбек қишлоқларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, кооператив ҳаракат қишлоқ хўжалигига етакчи мавқега эга бўлганлиги тўғрисида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Янги иқтисодий сиёсат, кредит, қишлоқ хўжалиги, аграр ўзгариш, саноат, мустамлакачилик сиёсати.

Махмудов Махмуд Авазович
Старший преподаватель кафедры
социально-гуманитарных наук
Андижанского государственного
медицинского института.

СОЦИАЛЬНАЯ КЛАССИФИКАЦИЯ ХОЗЯЙСТВ В УСЛОВИЯХ НЭП

Аннотация. В 1921-1929 годах в данной статье приведены сведения о социальном расслоении крестьянских хозяйств в условиях новой экономической политики в Узбекистане, а также о социально-экономическом состоянии узбекских деревень, о том, что кооперативное движение заняло ведущее положение в сельском хозяйстве.

Ключевые слова: Новая экономическая политика, кредит, сельское хозяйство, аграрные преобразования, промышленность, колониальная политика.

Makhmudov Mahmud Avazovich
Senior teacher of the Department of Social
Humanities of Andijan State Medical Institute

SOCIAL CLASSIFICATION OF FARMS IN THE CONDITIONS OF THE NEW ECONOMIC POLICY

Annotation. In 1921-1929, this article provides information about the social stratification of peasant farms in the conditions of the new economic policy in Uzbekistan, as well as the socio-economic condition of Uzbek villages, the fact that the cooperative movement took a leading position in agriculture.

Key words: New economic policy, credit, agriculture, agrarian change, industry, colonial policy.

DOI: <https://doi.org/10.47390/B1342V3SI2Y2023N06>

Кириш

ХХ аср 20-йилларида Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССРда қишлоқ хўжалигининг умумий аҳволи ва ўзбек қишлоқларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режаларининг хилма-хиллиги ва уларнинг зиддиятли хусусиятлари доимо тарихчи-иқтисодчи олимларнинг эътиборини жалб келган. Хусусан, Янги иқтисодий сиёсат (НЭП) йилларида республиканинг кейинги ривожидаги тарихий воқеалар асосини ташкил этувчи жараёнлар юзага келди. Бу даврда бутун совет мамлакатини янгича йўлда ривожлантириш асносида Туркистон АССР ва кейинчалик Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий ривожланиш йўлини белгиловчи зиддиятли ривожланиш режалари татбиқ этилди.

Ушбу мавзусининг долзарблиги Янги иқтисодий сиёсат шароитида ишбилиармон ва тадбиркор дехқон хўжаликларининг эволюцияси табиати ва хусусиятларини ўрганиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини кўриб чиқиш асосида муайян вазиятларга танқидий баҳо бериш зарурати билан боғлиқ. Қишлоқ аҳолисининг бу қатлами НЭП йилларида совет ҳукуматининг тўлиқ ҳал этилмаган ва аниқ муносабат белгиланмаган масаласи бўлиб қолди, тадбиркор якка хўжаликлар фаолияти бу йилларда мафкуравий қарашларга кўра, капитализмни тиклаш хавфини анча реаллаштируди. Бу Янги иқтисодий сиёсат охирги йилларида ички партия курашида кун тартибига чиққан “қулоқ” атамаси эди. “Қулоқ” хўжаликларига қарши кураш узоқ давр мобайнида Совет жамиятининг ривожланиш стратегиясини белгилаб берди.

Совет ҳукумати қишлоқ ишлаб чиқарувчиларининг мустақиллигини чеклаб, тадбиркорлик ташаббусини йўқ қилиш сиёсатини олиб борди ва бунда муайян натижаларга эришди. Бу натижа ўзбек қишлоғининг ҳам таназзулга юз тутиш йўлини бошлаб берди. Ўзбек қишлоғида хусусий мулкчиликнинг тугатилиши дехқонларнинг ердан бегоналашишига, меҳнат манфаатдорлиги ва хўжаликни ривожлантириш иштиёқларининг сўниб боришига олиб келди.

Адабиётлар таҳлили ва методология

1924 йилдаги миллий-худудий чегараланишдан кейин Ўзбекистонда аграр ўзгаришларнинг янги босқичи бошланди. 1924-1925 йилларда қишлоқ хўжалигида ўлканинг меҳнат қилишга лаёқати бўлган аҳолисининг 85 фоизи банд эди. Аграр сектор маҳсулотларининг салмоғи бутун ялпи маҳсулотнинг қарийб 80 фоизини ташкил этарди. Саноатнинг 90 фоизи қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш билан шуғулланарди. Бундай шароитда аграр ислоҳотнинг ўтказилиши чуқур ижтимоий аҳамиятга эга эди.

Янги иқтисодий сиёсатни ислоҳ қилиш йилларида аграр ўзгаришларнинг муҳим йуналиши бўлган мувофиқлаштирилган ер сиёсатининг ўтказилиши бўлди. Бироқ, унда аввалги йиллардаги аграр сиёсатнинг қўпгина жиддий нуқсонлари сақланиб қолган эди. Булар жумласига синфий ёндашувнинг устиворлиги қишлоқ аҳолиси орасида ҳар томонлама ижтимоий табақаланишни кучайтириш, Туркистон қишлоқларини социалистик қайта қуриш кирап эди. Мазкур ёндашув 1921-1922 йилларда амалга оширилган ер-сув ислоҳотида яққол ифодаланди. Аграр ислоҳот янги босқичининг

умумий вазифалари Туркистон компартиясининг V съезди ва Туркистон советларининг IX қурултойи (1920 йил сентябрь) қарорларида белгилаб берилган эди. Бу вазифаларни З гурӯҳга бўлиш мумкин. Биринчи вазифа – социалистик йўналишда бўлиб, у “мехнат билан шуғулланмайдиган бой-қулоқ хўжаликлари”ни тутатиш ва кўчманчи аҳолини ўтроқ ҳолатга ўтказишдан иборат эди. Иккинчи вазифа – “инқилобий-демократик хусусият”га эга бўлиб, у ерларни ерсиз ва кам ерли дехқонлар, батраклар, чорикорлар ўртасида меҳнат нормалари бўйича таксимлашни ўз ичига оларди. Учинчи устивор йуналиш чор Россияси мустамлакачилик сиёсатининг кучли сарқитларини енгишга қаратилган бўлиб, бу сарқитлар шу нарсада ифодаланаар эди, маҳаллий аҳоли ерларининг кўпчилик қисми, айниқса Столипин ислоҳотлари даврида чоризмнинг кўчириш сиёсати натижасида келгинди рус дехқонлари томонидан эгаллаб олинган эди. Ислоҳотларнинг бошланиш даврига келиб қишлоқ хўжалигидаги кўчириб келтирилган рус аҳолисининг сони ҳаммаси бўлиб 8 фоизни ташкил этарди, лекин улар барча суғориладиган ерларнинг деярли ярмини эгаллаган ва маҳаллий аҳолига нисбатан ер билан 15 баравар кўп таъминланган эди[1; 165-166 б.].

1921-1922 йиллардаги ер ислоҳоти ҳар хил жараёнларни келтириб чиқарди. Бир томондан, у маълум маънода ер масаласини ҳал қилишга ёрдам берди. Бироқ маҳаллий ерсиз дехқонларни ер билан таъминлаш соҳасида кўрилган бу тадбирлар Туркистон хўжаликларининг, айниқса, унинг ўзбеклар яшайдиган қисмига ниҳоятда кам манфаат келтириди, чунки уларга берилган ерлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етишириладиган барча ерларнинг 0,7 фоизини ташкил этар эди, холос.

1921-1922 йилларда ўтказилган ер-сув ислоҳоти ерсиз ва кам ерли дехқонлар масаласини ва мавжуд ерлар тақсимотини тўла ҳал қилмади. Бу ислоҳот асосан ўлкага чор Россияси даврида кўчириб келтирилган рус дехқонлари билан маҳаллий дехқонлар ихтиёридаги ерларни бараварлаштириш масаласига қаратилган эди. Қисқача айтганда, 1921-1922 йиллардаги аграр ислоҳот чор Россияси мустамлакачилик тартиблари асосларини тугатди. Бироқ, ўлкада кўп ерлилик ва кам ерлилик сақланиб қолаверди.

Туркистонда янги иқтисодий сиёсатни мустаҳкамлаш соҳасидаги қонунчилик мажмуида Туркистон Советлари МИКнинг 1922 йил 11 апрелдаги “Натура солиғи ҳақида”ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур қарорга кўра дехқонларнинг норозилигига сабаб бўлган озиқ-овқат развёрсткаси ўрнига ялпи ҳосилнинг 10 фоизи миқдорида озиқ-овқат солиғи белгиланди. Лекин орадан кўп ўтмай хўжаликнинг катта-кичиклигидан келиб чиқиб, солиқни табақалаштириш жорий этилди. Солиқ қуйидаги пропорцияларда олиниши белгилаб қўйилди: 2 десятинагача ери бўлган хўжаликлардан ҳосилнинг 5 фоизи миқдорида, 2-4 десятинагача ери бор хўжаликлардан – 10 фоизи, 4-6 десятинагача ери бор хўжаликлардан – 12 фоизи, 6-8 десятинагача ери бор хўжаликлардан – 14 фоизи, 8-20 десятинагача ери бор хўжаликлардан ҳосилнинг 16 фоизи миқдорида ва хоказо. Бу нафақат қишлоқдаги хўжаликларнинг турли тоифаларидан, айниқса, камбағал-батраклар катламларидан олинадигдн соликни камайтириди, шу билан бирга ишлаб чиқаришни бошқаришда иқтисодий омиллардан фойдаланишга уриниб ҳам кўрилди.

XX асрнинг 20-йиллари ўрталарига келиб ўзбек қишлоқларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволида бир оз силжишларга эришилди. Сабаби, янги иқтисодий сиёсатга ўтилиши муносабати билан дехқонлар эркинроқ нафас олаётган эди. Озиқ-овқат

развёрсткасининг озиқ-овқат солиғи билан алмаштирилиши, айрим бозор механизмларининг тикланиши қишлоқ меҳнаткашларига ўзлари етиштирган ортиқча маҳсулотларини сотиш, қишлоқ хўжалик экинларини кўпайтириш имконини берди. Натижада деҳқон хўжаликларининг товар билан таъминланиши ошди, аҳолини турмуш даражаси бирмунча кўтарилди.

Янги иқтисодий сиёсат Совет Россияси манфаатларига хизмат қилишга асосланган бўлса-да, маълум маънода деҳқон хўжаликлари аҳволини яхшилашга муайян даражада ўз ҳиссасини қўшди. Бунда социализмни давлат йўли билан зўрлаб тиқиширишдан воз кечилиб, уни аста-секин ривожлантириш йўли тутилди. Курашнинг революцион воситаларини мутлоқлаштиришдан озуқа олган давлат ҳокимияти тўғрисидаги бузиб юборилган ғоя тугатила бошлади. Янги иқтисодий сиёсат негизида ижтимоий жараёнлар бошқарилишининг бўлакча услубларига ўтиш, озиқ-овқат солиғи ва бозор, товар-пул муносабатлари орқали бошқариш ётарди. Бу ғайри иқтисодий эзиш ва мажбуrlашнинг “фавқулодда” чораларидан қатъяян воз кечишни, социализм қурилиши шароитида шахсий манфаатнинг ҳал қилувчи аҳамиятини эътироф этишни билдиради.

Қишлоқ хўжалигининг юксалишини таъминлашда иқтисодий рағбатлантиришнинг бошқа воситалари ҳам қўлланди, булар қатъий валютанинг жорий этилиши, қарз беришнинг янги тартибини белгиланиши, деҳқонларга давлат томонидан қарз беришни кенгайтириш, имтиёзлар белгиланиши, қишлоқ кооперациясининг авж олдирилишидан иборат эди[2; 184 б.].

Солиқ ишлари тартибга солиниб, хилма-хил қўринишдаги озиқ-овқат солиғидан ягона қишлоқ хўжалик солиғига ўтила бошланди. 1923 йил ўрталарида Фарғона обlastидаги деҳқон хўжаликларидан олинадиган ягона қишлоқ хўжалик солиғи ҳажмини ярмига қисқартириш, майда чорвадор хўжаликларни солиқдан батамом озод қилиш ва бирмунча йирикроқ хўжаликларга солинадиган солиқлар суммасини 50 фоизга камайтириш тўғрисида қарорлар чиқарилди. Хусусий ва хўжалик фаолиятининг ижара, ёллаш, артелларга бирлашиш ва хоказолар сингари хилма-хил шакллари бўлиши тан олинди.

Муҳокама

Янги иқтисодий сиёсат пахтачилик сиёсатига ҳам муайян ўзгаришлар киритди. Лекин бу ўзгаришлар чекланган тарзда эди. Бу даврда пахтачилик соҳасидаги давлат монополияси пахтачиликда рақобат ва соғлом товар-пул муносабатларининг намоён бўлиш имкониятларини чеклаб қўяр эди. Бироқ бунга қарамай, янгича сиёсат қийинчилик билан бўлсада, мавжуд маъмурий-буйруқбозлик усуллари ва тизимларини қайта қўриб чиқиши кун тартибига чиқарди. 1923 йил январда СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгashi қабул қилган қарорда Республика ичida пахтани харид қилиш давлат монополияси бекор қилиниши кўрсатиб ўтилган эди. Айни пайтда пахтанинг қатъий нархи бекор қилинди, чунки у пахта етиштириш ҳаражатларини қопламас эди. Пахтакор хўжаликларни товарлар билан таъминлашга эътибор кучайтирилиб, уларга ёлланма меҳнатдан фойдаланишга рухсат этилди, улар сув билан биринчи навбатда таъминланадиган бўлди, пахтакор хўжаликлар катта қисми от-улов солиғидан, камқувватли хўжаликлар озиқ-овқат солиғидан озод қилинди. Ушбу юқори самарали нарх сиёсати ва унинг товар билан тўла таъминланиши деҳқонларнинг кайфиятига,

уларнинг кўпроқ пахта етиштиришга интилишига ижобий таъсир кўрсатди. Фақат 1924-1926 йилларда республикада пахта экиладиган майдонларнинг 31,6 фоизга ошгани бежиз эмасди[4; 74 b].

Бу йилларда кооператив ҳаракат қишлоқ хўжалигида етакчи мавқега эга бўлди. Янги иқтисодий сиёсатнинг илк йилларида Туркистон Автоном Республикасида кредит кооперациялари анча кенг тарқалди ва улар дехқон хўжаликлари ўртасида катта обрўга эга бўлди. Чунки, ўзбек қишлоқларида кам қувватли дехқонларнинг нақд пул ҳисобидаги қарзга эҳтиёжи жуда катта бўлиб, бу масалада қишлоқларда бой-судхўрлик ва савдо капитали асосий ўрин эгаллар эди. 1921-1922 йилларда дехқонларнинг 80-90 фоизи бой-судхўрлардан қарз олган, давлат томонидан кредит бериш дехқон хўжаликларининг бор-йўғи 15-20 фоизини қамраб олган эди, холос. Янги иқтисодий сиёсат шароитида кам қувватли дехқонларнинг ва умуман, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан банд бўлган хўжаликларнинг давлат ва кооперациялар томонидан кредит билан таъминланиши сезиларли даражада яхшиланди.

Якка дехқон хўжалигини майда товар ишлаб чиқарувчи сифатида иқтисодий рафбатлантириш ғояси ирригацияни, пахтачиликни, боғдорчиликни, узумчиликни, чорвачиликни таназзулдан олиб чиқиш бўйича аниқ тадбирларни ишлаб чиқишида, маҳсулот ҳажмини кўпайтириш ҳамда саноат билан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ўртасидаги товар алмашувини жонлантиришда белгиловчи ғоя сифатида намоён бўлди[5; 27 b].

1923 йил октябрида Туркистонда 314 та кредит ширкатлари бўлиб, улар қарийб 58 мингта дехқон хўжаликларини ўзида бирлаштирган. Жумладан, Сирдарё вилоятида – 23000, Фарғона вилоятида – 16000, Самарқанд вилоятида – 8000, Закаспий вилоятида – 9 минг, Еттисув вилоятида – 2000 дехқон кредит ширкатларига аъзо бўлган[6; 179 b]. 1924 йил охирига келиб Туркистон қишлоқ хўжалик кредит ширкатлари 912 тага етиб, улар 18 та район иттифоқига бирлашди, бу ширкатларнинг аъзолари эса 233 минг 500 кишига етди[7; 22-28 b].

Бироқ, кооператив ҳаракатида муваффақиятлар билан бир қаторда унинг имкониятларидан тўла фойдаланилмаганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Бунга ҳам қисман бўлсада, иқтисодиётнинг мафкуралашганлиги сабаб бўлди. Улар кредитлар бериш ва кооперативларга аъзолар қабул қилиш масалаларида яққол кўзга ташланди. Ҳар кимни ҳам кооперативга қабул қиласермасди. Синфий танлов мавжуд эди. Камбағалларга устуворлик бериларди.

Ўрта Осиё республикаларининг ижтимоий-иктисодий қолоқлиги шароитида хусусий капитал фаолиятига руҳсат бериш ва ундан фойдаланиш масалалари мураккаб тус олди. Янги иқтисодий сиёсат жорий этилиши билан Туркистон АССРда хусусий капитал асосан, савдо ва майда саноат-хунармандчилик тармоқларида, шунингдек, қарз-кредит соҳасида кенг тарқалди. НЭПнинг дастлабки даврида Туркистонда хусусий капиталнинг ялпи улуши иқтисодиётнинг барча тармоқларида бошқа минтақаларга қараганда анча юқори бўлди. Бу Ўрта Осиёда республикаларида социалистик укладнинг анча заиф бўлгани, ўлқада феодал-патриархал муносабатларнинг сақланиб қолганлиги билан изоҳланади. Ўрта Осиё республикаларида 1925-1926 йилларда чакана товар айирбошлиш ҳажмининг 67 фоизи хусусий капиталга тегишли бўлди, холбуки иттифоқ бўйича бу бўйича кўрсаткич 40,7 фоизга teng эди[8; 101-105b]. Қишлоқ жойлардаги

савдода хусусий капиталнинг салмоғи янада юқори бўлди. Масалан, Самарқанд вилоятида 1925 йилда қишлоқ жойларидағи чакана товар айирбошлишнинг 90 фоизини хусусий капитал эгаллаган эди. 1926 йилда баъзи пахтакор районларида дехқонлар томонидан олинган кредитлар умумий миқдорининг 34 фоиздан ортиғи хусусий капитал хиссасига тўғри келди[9; 81 б]. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик банки ўтказган текширувларга кўра, Фарғона области Асака районидаги 7 та қишлоқда 1925-1926 йилларда ўрганилган 604 та дехқон хўжалигидан 316 таси ёки 52,3 фоизи хўжалик фаолиятини юритиш учун хусусий кишилардан қарз олган[10; 11 б].

Аграр соҳадаги бирмунча илгари силжишларга қарамай, қишлоқ хўжалигини тиклашга доир асосий масалалар ҳали ечилмаган, вазият мураккаблигича қолаётган эди. 1924 йилда дехқончиликда фойдаланилган ерлар республикадаги мавжуд экин майдонларининг фақат 58,7 фоизинигина ташкил қилди, қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти эса 1913 йилдаги даражанинг 47,2 фоизини ташкил этарди.

Қишлоқ иқтисодиётини юксалтиришнинг устувор омилларидан бири ўша даврда кенг миқёсли аграр ислоҳотни авж олдиришдан иборат эди. Уни амалга оширишнинг зарурлигини вужудга келган муаммоларининг кескинлиги тақозо қиласди. Чунки, ўлкада хануз ерсизлик сақланиб қолган эди. 1925 йилга келиб ҳар 100 та хўжалиқдан 13 таси экин экиладиган ерга эга эмасди. Ерсиз ва 2 десятина гача ерга эга бўлган хўжаликлар 71,8 фоизни ташкил этарди[4; 84 б]. Бу даврда ўзбек қишлоғида камбағал дехқонлар аҳолининг аксарият қисмини ташкил этарди. 1925 йилда ўртаҳол дехқонлар кам ерли дехқонларга нисбатан 2-3 баравар кам эди. 1926 йилда Зарафшон ва Фарғона областларида 52 фоиз хўжалик бир десятинадан ҳам оз ерга эга бўлган. Зарафшон области бўйича 2 десятинадан оз ерга эга бўлган хўжаликлар 54 фоизни, Тошкент ва Самарқанд областлари бўйича эса 42 фоиз хўжаликни ташкил қилган.

Ўзбекистон қишлоқлари ўзига хос майда ва тарқоқ ер участкаларига бўлинганлиги билан ҳам ажralиб туради. Майда дехқон хўжаликлари асосан азалдан суғориладиган кичик худудларда, кўпроқ Фарғона водийсида, Тошкент, Зарафшон ва Хоразм вилоятларида тўпланган эди. Фарғона водийсидаги дехқон хўжаликлари тегишли ер участкаларининг 25 фоизи қўшни қишлоқларда жойлашган эди. Бу ерларнинг ярми бошқа волост қишлоқлари худудида бўлган. Зарафшон обlastida ўртacha 1 та хўжаликка 2,5 та ер участкаси, Хоразмда ўртacha 1,5 участка тўғри келган. Ер эгалигининг бундай шакли ҳам муайян қийинчиликларни вужудга келтирган. Чунки, дехқон хўжаликлари гоҳ у қишлоқдаги чек ерига, гоҳ бу қишлоқдаги ерига қатнаб дехқончилик қилиши уларнинг кўп вақтини оларди. Айниқса, экинларни суғориш пайтида ёки ерни шудгор қилиш вақтида дехқонларга қўшимча машаққат бўларди. Ер участкаларининг бундай тарқоқ ҳолда жойлашганлиги бу каби майда ерларнинг охироқибатда айрим бой-бадавлат кишилар қўлида тўпланиб боришига шароит яратиб берган эди. Чунки, кўп ҳолларда у қишлоқдан бу қишлоққа қатнашдан безор бўлган дехқонлар ўз участкаларини бойларга арzon-гаров сотиб юборишга мажбур бўлардилар.

Дехқончиликнинг кўпроқ суғоришга асосланганлиги ҳам маълум мураккабликларни юзага келтирган. Фарғона, Тошкент, Зарафшон, Хоразм областларида деярли барча дехқончилик ерлари суғориладиган ерлар эди. Сурхондарё обlastida суғориладиган ерлар 67,6 фоизни, Самарқанд обlastida 67,4 фоизни, Қашқадарё обlastida 59,3 фоизни ташкил этарди. Республика бўйича суғориладиган

ерлар барча экин майдонларининг 87 фоизини ташкил этган. Суғорма дехқончилик хўжаликлардан жуда кўп меҳнат ва маблағ сарфлашни тақозо этарди. Чунки, суғориш тармоқларини, яъни ариқлар ва каналларни мунтазам тозалаб туриш, зарур жойларда тўғон ва дамбалар қуриш, уларни таъмирлаш каби ишлар жуда катта ишчи кучини талаб этган.

Хўжаликларнинг ижтимоий таркиби таҳлили кўрсатадики, иккинчи ер ислоҳоти арафасида Ўзбекистонда унумдор ерларнинг 30 фоиздан кўпроқ қисми «бой-қулоқлар» тасарруфида эди. Чунончи, Фарғона обlastida қулоқ ва майда помешчик хўжаликлари 39 фоиз ерга эгалик қиласар эди. Самарқанд обlastida эса барча ерларнинг 32,7 фоизи қулоқ ва майда помешчиклар кўлида эди. Бошқа вилоятларда ҳам аҳвол шу кўринишда эди[11; 32 b].

Кўп ерлилар билан кам ерлилар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ижара асосига қурилар эди. Кам ерли дехқонлар, мардикор ва чорикорлар ерни ва иш қуролларини ижарага олишар эди. Яъни, бу даврда 2 десятина ери бор хўжаликлар ҳам қўшимча ижарага ер олишга мажбур бўлган[4; 85 b].

Ўзбекистоннинг дехқончилик районларида, айниқса, пахта экиладиган Фарғона обlasti, Хўжанд, Мирзачўл, Пойариқ, Дамариқ, Фиждувон ва бошқа баъзи бир районларда ижара муносабатлари жуда ҳам ривож топган эди. Улушбай ижараси кенг тарқалган бўлиб, бу айниқса Фарғона обlastida устунлик қиласар эди. Бу вилоятда 3 десятинагача ери бўлган дехқонлар одатда йирик ер эгаларидан улушбай ижарага олишга мажбур эдилар. Айни бир вақтда 7 десятинадан ортиқ чек ери бўлган хўжаликлар ижарага ер берар эдилар.

1925 йилда Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларида хайдаладиган ерларнинг 80 фоизи ижарага берилган. Қишлоқларда яшовчи йирик ер эгалари ўз ерларининг 95 фоизини, шаҳарларда яшовчи савдогарлар эса деярли барча ерларни ерсиз ёки кам ерли дехқонларга ижарага берганлар. Бу ҳол ўз даврида «меҳнат қилмасдан даромад топиш», «бой-қулоқлар томонидан камбағал дехқонларни эксплуатация қилиш» деб баҳоланган.

Ижарага ер оловчиларнинг кўпчилигини кам ерли дехқонлар ташкил қилган. Чунончи, Қашқадарё вилояти Китоб волостида ижарага ер оловчи дехқонларнинг 78,5 фоизини 1,3 десятинагача ери бўлган хўжаликлар ташкил қилган бўлса, Хоразм вилояти ижарачиларининг 59 фоизида 2 десятинагача ер бўлган.

Ўзбекистоннинг барча туманларида камбағал дехқонлар ва кам қувватли ўртаҳол дехқонларнинг аксарият қисми ер, от-улов ва асбоб-ускуналарни ижарага оларди. 1925 йилдаги статистик таҳлилларга кўра, бу йилда республикадаги дехқон хўжаликларининг 29,2 фоизида иш ҳайвонлари йўқ бўлган. Бу ҳолат вилоятлар бўйича қуидагича эди: Фарғона вилоятида 45,6 фоиз, Самарқанд вилоятида 27,5 фоиз, Тошкент вилоятида 26,4 фоиз, Хоразм вилоятида 13,8 фоиз, Қашқадарё вилоятида 7,7 фоиз, Зарафшон вилоятида 7,2 фоиз хўжаликларда иш ҳайвонлари бўлмаган[13; 56b]. Кўриниб турганидек, иш ҳайвони бўлмаган хўжаликлар асосан пахта етишириладиган вилоятларда кўпчиликни ташкил қилган. Бунинг сабабларидан бири, пахтачилик вилоятларида ерга асосан пахта экилганлиги учун, дехқон хўжаликларида иш ҳайвонларини ем-хашак билан таъминлашдаги қийинчиликлар билан изоҳланади.

1925 йилда иш ҳайвонларининг асосий қисми маълум табақа кишилар кўлида,

яъни катта ер эгалари қўлида тўпланган эди. Бу йилларда 10 десятинадан ортиқ ерга эга бўлган хўжаликларнинг 50 фоизидан кўпроғида 4-5 тадан иш ҳайвонлари бўлган.

«Помешчик-бой» хўжаликлари тасарруфида иш ҳайвонлари билан бир қаторда қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарининг катта қисми ҳам тўпланган эди. Ер-сув ислоҳоти арафасида республикада асосий қишлоқ хўжалик асбоблари омоч, кетмон, ўроқ ва мола эди. Хатто мана шу содда қишлоқ хўжалик асбоблари ҳам кўпгина дехқон хўжаликлирида йўқ эди. Масалан, 1925 йилдаги таҳлилга кўра, Самарқанд вилоятида омочи бўлмаган хўжаликлар 54,8 фоизни, Тошкент вилоятида 43,6 фоизни, Фарғона вилоятида 35,2 фоизни, Зарафшон вилоятида 12 фоизни ташкил этган. Айрим жойларда бу фоизлар янада кўпроқни ташкил этган. Масалан, Фарғона вилояти, Балиқчи волостидаги Тулкиобод қишлоғида омочи йўқ хўжаликлар 91,2 фоизни, Қумтепа қишлоғида 76,3 фоизни, Хўжаобод қишлоғида 66,4 фоизни ташкил қилган[11; 33b].

Қишлоқ хўжалик асбоблари бўлмаган хўжаликлар зарур асбобларни ҳам ижарага олганлар. Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида барча дехқон хўжаликларининг 25 фоизи қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарини ижарага олиб ишлатганлар. Ижара шартлари турли кўринишларда бўлган, яъни фойдаланиш эвазига етиширилган ҳосилнинг маълум бир қисмини асбоб эгасига бериш ёки асбоб эгасининг ерида ишлаб бериш ва ҳоказо.

Натижা

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турганидек, ер-сув ислоҳоти арафасида Ўзбекистондаги дехқон хўжаликларининг катта қисми ерсиз ёки кам ерли шунингдек, иш ҳайвонлари ҳамда иш қуролларига муҳтож бўлган. Улар бу нарсаларни ижарага олишга мажбур бўлганлар, охир-оқибатда республикада чорикорлик муносабатлари кенг ёйилган.

Чорикорлар ер эгасидан маълум ер бўлагини ижарага олиб, унга ўз кучи, иш ҳайвони ва асбоб-ускуналари билан ишлов бериб ҳосил етиширилган ва етиширилган ҳосилнинг маълум бир келишилган қисмини ўзига олган.

Айрим чорикорлар ер билан иш ҳайвони, иш қуроллари ва туар жойни ҳам ижарага олганлар. Бундай ҳолларда чорикор етиширилган ҳосилнинг тўртдан бир қисмини ўзида қолдирган, холос. Ҳосилнинг асосий қисми ер эгасининг қўлида қолган. 1923-1925 йилларда ҳукумат ўлкадаги чорикорлик муносабатларини бирмунча чеклашга доир қонунлар ишлаб чиқди. Бу даврда етиширилган ҳосилнинг чорикорга тегадиган қисми кўпайиб борди. Агар 1915 йилда 51,6 фоиз чорикорлар ҳосилнинг ярмини ер эгасига берган бўлсалар, 1925 йилда бундай чорикорлар миқдори 31,5 фоизга қисқарди. Лекин бунга қарамай чорикорлар турмуш даражасининг ночорлиги сақланиб келмоқда эди. Чорикорлар ихтиёрида қоладиган ҳосил кўп ҳолларда уларнинг эҳтиёjlари учун етмас эди. Бундай шароитда улар қарзга ботиб қолардилар.

Давлат бу даврда барча дехқон хўжаликларини, шунингдек чорикорларни кредит билан таъминлаш имконига эга эмас эди. Шу боисдан пулга муҳтож дехқонлар асосан, бой-бадавлат кишилардан оғир шартлар эвазига қарзга пул олардилар. Қишлоқларда муҳтож кишиларга қарз берувчи судхўрлар бўлган. 1925-1926 йилларда Фарғона вилояти Асака волостидаги дехқонларнинг 52,3 фоизи хусусий кишилардан қарз олганлар. Дехқонлар олган қарзлари эвазига жуда катта фоиз тўлаганлар. Қарзлар фоизи Ўзбекистоннинг айрим жойларида 120 дан 225 фоизгача бўлган. Хусусий

шахслардан олинадиган натурал кредит шартлари бундан ҳам оғирроқ бўлган.

Хуносаси

Умуман, Ўзбекистонда большевиклар ҳокимиюти органлари аграр ислоҳотларнинг дастлабки босқичида бўлганидек, 1925-1929 йилларда ҳам қишлоқни ижтимоий қайта қуришнинг тарихий жиҳатдан синалган иқтисодий воситаларини, «капиталистик мамлакатлар»да деҳқонлар масаласини ҳал қилишнинг муҳим тажрибасини аввал бошиданоқ инкор этдилар. Коммунистик метрополиянинг большевик раҳбарлари марксизмнинг ҳаёлий ақидаларига таянган ҳолда ижтимоий-иқтисодий муносабатларни қайта қуришнинг асосий қуроли сифатида зўравонликни танладилар. Чунки янги иқтисодий сиёсат «ҳарбий коммунизм» даври учун хос бўлган усусларни бирмунча юмшатган бўлсада, умумий стратегик йўл ўзгармасдан қолган эди.

Адабиётлар/Литература/References:

1. ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 862-иш, 165-166-вараклар.
2. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 184.
3. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тузувчилар: М.Жўраев, Р.Нуруллин, С.Камалов ва бошқалар. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 184.
4. Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг. – Ташкент: Фан, 1992. – С. 77.
5. Ғойибназаров Ш. Ижтимоий ривожланиш сабоқлари. 20-йиллар таҳлили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б. 21. (192 б)
6. Аминова Р.Х. Аграрные преобразования в Узбекистане в годы перехода Советского государства к НЭПу. – Ташкент: Наука, 1965. – С. 179. (345 с.) 7.ЎзР МДА, Р-236-фонд, 1-рўйхат, 678-иш, 20-28-вараклар.
7. ЎзР МДА, Р-197-фонд, 3-рўйхат, 905-иш, 101-102-вараклар.
8. ЎзР МДА, Р-197-фонд, 3-рўйхат, 614-иш, 81-варак.
9. Два года работы правительства Узбекской Советской Социалистической Республики 1926 – 1927 – 1928. – Самарканд: 1928. – С. 11.
10. Зелькина Е. Очерки по аграрному вопросу в Средней Азии. – Москва: 1930. – С. 78.
11. Современный кишлак Средней Азии. Вып. III. – Ташкент: 1926. – С. 214.
12. Бюллетень Центрального статистического управления Узбекистана. 1925. №2. – С. 56.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

№ S/2 (3) – 2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**
Специальный выпуск

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES
Special Issue

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамият

Таҳририят манзили:
100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).